




ЎЗБЕКИСТОН — КОРЕЯ: ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ЯНГИ ҚЎШМА ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ОЧИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикасига давлат ташрифи доирасида 15 сентябрь куни Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Чо Чжон Шик, Бош вазир Хан Сон Сук, Кореянинг йирик компаниялари ва молия институтлари раҳбарлари ҳамда ушбу мамлакатда истиқомат қилаётган ватандошлар билан учрашди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон – Корея бизнес форумининг очилишида нутқ сўзлади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев дастлаб Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Чо Чжон Шик билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон — Корея алоҳида стратегик шериклик муносабатларини илгари суришда икки мамлакат парламентлари муҳим ўрин тутатгани таъкидланди.

Парламентлараро “дўстлик гуруҳлари” фаол иш олиб бормоқда, парламент делегацияларининг мунтазам ташрифлари амалга оширилмоқда, қонун чиқарувчи органларнинг тегишли қўмиталари ўртасида самарали тажриба алмашинуви йўлга қўйилган.

Миллий Ассамблея ва Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги кўмагида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккала палатасида “Электрон парламент” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Олий даражада эришилган, энг аввало, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш бўйича келишувларнинг амалга оширилиши устидан парламент мониторингини таъминлаш мақсадида ўзаро ҳамкорлик механизмини яратиш зарурлиги таъкидланди.

Учрашув якунида 2027 йилда Ўзбекистон ва Корея ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 35 йиллиги муносабати билан “парламент дипломатияси” йўналишида бир қатор тадбирлар ўтказишга келишиб олинди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сеул шаҳридаги ўзига ажратилган қароргоҳда Корея Республикаси Бош вазيري Хан Сон Сукни қабул қилди.

Алоҳида стратегик шериклик муносабатларини савдо-иқтисодий, инвестициялар, технологиялар, транспорт-логистика соҳаларида янада мустақамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Инновацион-технологик ҳамкорликни чуқурлаштиришга устувор аҳамият қаратилди.

Савдо, молия ва инвестиция, рақамли иқтисодиёт ҳамда киберхавфсизлик соҳаларида, Кореянинг илгор технологиялари ва Ўзбекистоннинг хомашё базасидан фойдаланган ҳолда муҳим минералларни қайта ишлаш борасида, шунингдек, транспорт ва темир йўл инфратузилмаси ҳамда ҳудудлараро алоқалар

йўналишларида шериклик истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Бош вазيري Хан Сон Сук қўшма бизнес-форумнинг очилишида иштирок этдилар.

Тадбирда икки мамлакат давлат тузилмалари ва ишбилармон доираларининг 300 нафардан зиёд вакили, жумладан, етакчи молия институтлари, йирик саноат корхоналари ва савдо компаниялари раҳбарлари иштирок этди.

Хусусан, Корея томонидан “Lotte Chemical”, “Hyundai Motor Group”, “Samsung C&T”, “CJ Group”, “Shinhan Financial Group”, “Hyundai Rotem”, “KIND”, “BOMI”, “Kia Corporation”, “Sampyo Group”, “Hansae Mobility” каби йирик компаниялар қатнашди.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида Корея Ўзбекистоннинг вақт синовидан ўтган дўсти ва алоҳида стратегик шериги эканини, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик эса Ўзбекистон — Корея кўп қиррали алоқаларининг устувор йўналишларидан бирини ташкил этишини таъкидлади.

Етакчи корейс компанияларининг Ўзбекистонда самарали фаолият юритиб, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшаётгани алоҳида қайд этилди.

Бугун Ўзбекистон индустриал ва технологик тараққиётнинг янги босқичига қадам қўймоқда. Шу боис, ўзаро савдо ҳажминини ошириш, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш ва янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар очилмоқда.

Мамлакатимиз етакчиси томонидан Ўзбекистоннинг ресурс салоҳияти, Кореянинг илгор технологиялари ва икки мамлакат компанияларининг инвестициявий имкониятларини бирлаштириш орқали янги иқтисодий ўсиш нуқталарини яратиш таклиф этилди.

Президентимиз келгусида иқтисодий шериклигини янада ривожлантиришининг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Хусусан, саноат кооперациясини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ занжирларини шакллантириш, энергетика ва “яшил иқтисодиёт”, транспорт ва замонавий инфратузилма, рақамлаштириш ҳамда сунъий интеллект, яримўтказкичлар ва

микроэлектроника, биотехнология ва фармацевтика, қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, илгор технологияларни жорий этиш, кадрлар тайёрлашда ҳамкорлик қилиш ва бошқа йўналишлар кўрсатиб ўтилди.

Корея компаниялари мисни қайта ишлаш, электротехника ускуналарини ишлаб чиқариш, автомобиль ва электромобиль саноати учун бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш, робототехника ва автоматлаштириш, биотехнология ва фармацевтика, гидроэнергетика, энергияни сақлаш тизимлари, энергетика тармоқларини модернизация қилиш ҳамда транспорт ва шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга таклиф этилди.

Саноат-технологик ҳамкорликни янада чуқурлаштиришнинг амалий механизми сифатида Ўзбекистон — Корея саноат-технологик альянсини тузиш таклифи илгари сурилди.

Президентимиз мамлакатимизда корейс бизнесининг фаолияти учун келгусида янада қулай шарт-шароитларни яратиш ҳамда қўшма лойиҳаларни амалга оширишда амалий кўмак кўрсатишга тайёр эканини билдирди.

Ўзбекистон — Корея бизнес форуми якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Бош вазيري Хан Сон Сук иштирокида салмоқли инвестициявий ва савдо-иқтисодий битимлар тўплами имзоланди.

Мазкур форум доирасида Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида Корея Республикасининг етакчи компания ва молия институтлари билан қўшма лойиҳаларни ишга тушириш ва қурилишини бошлаш маросими бўлиб ўтди.

Жумладан, Тошкент шаҳрида Кимё технологиялари маркази фаолият бошлади, Жиззах вилоятида “Kia Sonet Prime” автомобили ва автомобиль кузови панеллари, Фарғона вилоятида электротехника маҳсулотлари, Наманган вилоятида полимер буюмлар ишлаб чиқариши йўлга қўйилди.

Шунингдек, пайтахтимизда Миллий онкология маркази, тиббиёт олий таълим муассасаси, роботлар ва уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи корхоналар қурилиши бошланди.

➤ Давоми 2-бетда

46-БУТУНЖАҲОН ШАХМАТ ОЛИМПИАДАСИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ҳурматли Олимпиада иштирокчилари! Азиз меҳмонлар!

Дунё шахмат спортининг ёрқин намоёндалари бўлган сиз, азизларни қадимий ва меҳмондўст Ўзбекистон заминида илк бор ўтказилаётган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасининг очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ер юзидagi 200 дан зиёд мамлакатдан ташриф буюрган таниқли гроссмейстерлар, мураббийлар ва шахмат ихлосмандлари иштирок этаётган ушбу нуфузли спорт анжумани уч минг йилдан ортқ тарих ва маданият намуналарини ўзига муассас этиб келатган шахрида ўтказилаётгани байрам шарҳуни янада оширмоқда. Ва ўйлайманки, сизлар ҳам буни сезиб, ҳис қилиб турибсиз.

Бугун бамисоли дунё шахмат спорти пойтахтига айланган бу улуг шаҳарга, жонажон Ўзбекистонимизга хуш келибсиз!

Қадрли дўстлар!

Энг қадимий интеллектуал спорт ўйинларидан бири бўлган шахмат бизнинг мамлакатимизда ҳам ўзининг шонли ўтмиши, мактаб ва аъналарига эга.

Айниқса, мана шу Самарқанд шаҳрини ўзи асос солган буюк давлатнинг пойтахти ва Иккинчи Ренессанс марказларидан бирига айлантирган Соҳибқирон Амир Темур нафақат стратегик фикрлайдиган енгилмас саркарда, балки моҳир шахмат устаси ҳам эди.

Буюк аллома боболаримиз — Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад

Бобурнинг илмий ва бадий асарларида шахматнинг инсон маънавий камолотидаги ўрни алоҳида таъкидланган.

Биз ана шундай тарихий аъналарга содиқ қолган ҳолда, Янги Ўзбекистонда бошқа спорт турлари қатори шахматни ҳам “оммавийликдан — профессионалликка” тамоийли асосида энг куйи бўгини — маҳалладан тортиб, таълим муассасаларигача ривожлантиришга аҳамият бермоқдамиз. Юртимизда бу борада ҳам янги авлод иқтидор эгаларини тарбиялашга қаратилган яхлит тизим шаклланимоқда.

Бугунги кунда шахмат билан оммавий шуғулланувчилар 2 миллион нафардан, рейтингга эга бўлган профессионал шахматчиларимиз сони эса 6 минг нафардан зиёдини ташкил этмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакатимизда халқаро гроссмейстер унвонига эга бўлган 32 нафар шахматчимиз борлигини фaҳр билан қайд этамиз.

Эътиборли жиҳати шундаки, 5 нафар етакчи шахматчимиз жаҳон рейтингидagi “энг кучли юзталик”дан мустақам бўрин эгаллаб келмоқда.

Ўзбекистон эркаклар жамоаси ФИДЕ рейтингидa 204 та давлат орасида 8-ўринга, аёллар жамоаси эса 20-ўринга кўтарилгани ҳам диққатга сазовордир.

Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келатгани, ҳеч шубҳасиз, миллий шахмат спортимиз тарихида янги саҳифалар очмоқда.

Айниқса, навқирон гроссмейстеримиз Жаҳоҳир Синдоровнинг жаҳон чемпионлиги учун даъвогарлар турнирида голиб бўлиб, жаҳон кубогини қўлга киритгани, Нодирбек Абдусатторовнинг блиц бўйича жаҳон чемпионатига кумуш медалга сазовор бўлгани, ёш шахматчиларимиз халқаро чемпионатларда юксак ўринларни эгаллаётгани бизга чексиз гурур бағишлайди.

Мухтарам меҳмонлар! Ўзбекистонга 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига мезбонлик қилиш ҳуқуқи берилганини биз халқаро спорт ҳамжамиятининг юртимизга бўлган юксак ишончи сифатида қабул қиламиз.

Самарқанд олимпиадаси қизгин беллашувлар, юксак спорт маданияти, ҳалоллик ва ўзаро ҳурмат руҳида ўтади ва дунёга янги чемпионлар ва ёрқин истеъодларни тақдим этади деб ишонаман.

Айни вақтда бу ерда 3-пара шахмат олимпиадаси ва 97-ФИДЕ конгресси юқори савияда ўтказиш бўйича ҳам барча шароитлар яратилди.

Бу борадаги катта ташкилий ва амалий кўмаги, яқин ҳамкорлиги учун Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) раҳбарияти ва жамоасига, шунингдек, барча ҳамкор ташкилотларга самимий миннатдорлик билдираман.

Ишончим комил, мазкур йирик спорт анжуманлари дунё халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустақамлашга

хизмат қилади. Улар Ўзбекистонда шахматни янада оммалаштириш, ёш авлодининг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ва мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Қадрли дўстлар! Бундай йирик мусобақалар бизнинг халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун катта байрам, улкан маҳорат мактабига айланиши, мамлакатимизнинг дўстлик ва ҳамкорлик диёри сифатидаги халқаро обрў-эътиборини янада оширишига аминман.

Бугунги олимпиада дунё ёшларига муҳим бир ҳақиқатни намойён этмоқда: инсониятнинг умумий келажаги куч эмас — ақл ва бил, адоват эмас — дўстлик ва ҳамжиҳатлик, бефарқлик эмас — эзгу мақсадлар йўлидаги қатъият асосида бунёд этилади.

Бундай йирик мусобақалар бизнинг халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун катта байрам, улкан маҳорат мактабига айланиши, мамлакатимизнинг дўстлик ва ҳамкорлик диёри сифатидаги халқаро обрў-эътиборини янада оширишига аминман.

Бундай йирик мусобақалар бизнинг халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун катта байрам, улкан маҳорат мактабига айланиши, мамлакатимизнинг дўстлик ва ҳамкорлик диёри сифатидаги халқаро обрў-эътиборини янада оширишига аминман.

Барчангизга зафар ёр бўлсин, Ўзбекистонга хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЮРТНИНГ КУЧИ БИРЛИКДА, ҚАДРИ ЭСА ТИНЧЛИКДАДИР

ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ
ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ “НУРОНИЙ”
ЖАМҒАРМАСИНИНГ КАМБАҒАЛЛИКНИ
ҚИСҚАРТИРИШ УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТИДА
ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШЛАРИ УЧУН
ЮРТДОШЛАРИМИЗГА МУРОЖААТИ

Ҳурматли юртдошлар!

Жаннатимонанд юртимиз — Ўзбекистоннинг бутунги ва келгусидаги тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлидаги ислохотлар замирида, энг аввало, инсон кадр қимматини юксалтириш, ҳар бир ватандошимизнинг бахтли-саодатли, фаровон ва мазмунли яшашига эришишдек эзгу гоя муассасам.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Президент бўлиб сайланган илк кунларда ноқ халқимизнинг эркин, фаровон, бахтли-саодатли яшаш учун зарур шароит ҳамда имкониятларни яратишини ўз олдига олий мақсад қилиб қўйди.

Жонажон Ватанимизнинг тинчлиги, осойишталиги, халқимиз фаровонлиги йўлида Ўзбекистонимиз тарихида мутлақо янги, халқчил ислохотлар ҳаётга таъбиқ этилди. Бугунги кунда барчамиз уларнинг

натижасини ўз ҳаётимиз, фарзандларимизнинг оруз-ниятлари рўёбига қўриб турибмиз.

Яқин-яқингача Ўзбекистонда аҳолининг камбағаллик даражаси ҳақида деярли гапирилмасди. Йиллар давомида аҳоли ўртасида камбағаллик туфайли юзага келган муаммоларга кўз юмиб келинди. 2020 йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакат аҳолисининг камбағал қатлами мавжудлигини, бу борада жуда муҳим ислохотлар амалга оширилиши зарурлигини кун тартибига олиб чиқди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу масалага жиддий, шаффоф муносабат билдириб, уни асосий кун тартибига олиб чиқилишининг ўзида катта бир маънавий жасоратни қўриб турибмиз.

➤ Давоми 2-бетда



2026 йил 16 сентябрь, 191-сон

“Янги Ўзбекистон” газетасида “Янгиланишлар харитаси” лойиҳасини бошлаган эдик. Унда мамлакатимиздаги иш-хотларнинг ҳудудларда қай йўсин амалга ошаётгани, оддий одамлар ҳаётидаги янгиланишлар, олис кишлоқ ва овулларда яшайдиган юртдошларимиз ўй-фикрлари, орзулари каби масалаларга жавоб топшиш учун газетамизнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги мухбирлари билан онлайн гурунғ ташкил этиб боришни мақсад қилганимиз.

Бу сафарги суҳбатимиз “Янги Ўзбекистон” массивлари ҳақида бўлди. Унда янги массивлар оддий инсонлар турмуш тарзида

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ:

— Мамлакатимиз ҳаётида сўнгги 10 йил улкан бунёдкорлик даври сифатида тарихга муҳрланган. Ушбу янгиланишлар шиддати олису яқин манзилларда бирдек кўзга ташланмоқда. Хусусан, Навоий вилоятида ҳам ўтган қисқа даврда шаҳару кишлоқлар, чекка овул ва кўрғонларда катта ҳажмдаги қурилиш, бунёдкорлик ишлари бажарилди. Маҳаллалар обод бўлди.

“Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш дастури ана шу бунёдкорлик ишларига янги ҳаёт берди. Шунчаки руҳ берди дейиш камлик қилади. Дастур ҳалқимизнинг ўй-жойига эҳтиёжи қатори яна бир қанча ижтимоий-иқтисодий масалаларга ечим бўлди. Тараққиёт шиддатини ўзида жамлаган йирик лойиҳа сифатида ҳаётимизга кириб келди.

Шу ўринда бир жиҳатни эсга олсак. Дастлаб кишлоқ жойларда, очик далалаларда кўп қаватли уйлар қурила бошлаганида айрим юртдошларимиз бунга бир оз ажабланиш билан қараган эди. Шунча кенг жойда кўп қаватли уйлар қуриш нимага керак деган саволлар қўлоққа чалинган борм гап. Негаки кўп қаватли уйни қишда истиш, ёзда салқин сақлаш билан боғлиқ масалалар кўпчиликни ўйлантирарди. Шу пайтгача айрим шаҳарчаларда ҳам оқова сув тизими йўқлиги бунга сабаб эди.

“Янги Ўзбекистон” массивлари қарашларимизни буткул ўзгартирди. Чекка, қаровсиз этган ерлардан ҳам оқилона фойдаланиш, замонавий шаҳар бунёд этиш мумкинлигини исботлади. Хусусан, Навоий вилояти марказидан қарийб 200 километр узоқдаги Зарафшон шаҳрида катта бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишлари бажарилди. Йўллар равон бўлиб, чиқоқлар ўрнатилди. Йўл четларига манзарали гул ва дарахт кўчатлари экилди. Зарафшон шаҳри ташкил этилганида 50 минг аҳоли яшаш мўлжалланган. Сўнгги 20 йилда шаҳарда аҳоли сони қарийб 2 баравар кўпайди. Ўз-ўзидан уйлар ва инфратузилма объектилари қуввати ошиши талабга айланди. Содда айтганда, битта хонадонда бир неча оила тикилиб яшарди. Поликлиникага борган киши узоқ навбатда туришга, қоникари бўлмаган шариотда даволанишга мажбур эди. Негаки талаб ошгани сари моддий-техник база сабаб хизмат сифатида таъсир қиладиган омиллар кўпайиб бораётганди.

Мамлакатимиз етакчисининг Навоий вилоятига таърифи чоғида ҳудуд фаолларининг Зарафшон шаҳрини кенгайтириш ва шаҳар марказий поликлиникаси учун янги бино қуриш таклифи маъқуланди. Ўтган қисқа муддат ичида шаҳарда 7-12 қаватли турар жой бинолари қад ростлади. Ҳозир саноатчилар шаҳри кун сайин кенгайиб бормоқда. Шаҳардаги “Янги Ўзбекистон” массивида 2024 йилда 100 га яқин кўп қаватли турар жой қурилган эди. Улар 2025 йилда 180 тага етакзилди. Жорий йилда ҳам қурилиш давом этапти.

Яна бир мисол. Кармана туманининг Дўстлик маҳалласида 21 гектарда “Янги Ўзбекистон” массиви барпо этилди. Унинг биринчи босқичи — 2022-2024 йилларда 420 хонадонли 18 та кўп қаватли уй қад ростлади. Ўтган 2025 йилда 40 хонадонли яна 2 та уй фойдаланишга топширилди. Юртдошларимизда ушбу массивлардан хонадон сотиб олишга иштиёқ баланд. Негаки улар бошқа уйлардан тубдан фарқ қилади. “Янги Ўзбекистон” массивларини шаҳар ичидagi алоҳида кичик шаҳарча десак, тўғри бўлади. Яъни аҳолига яшаш учун нима керак бўлса, қандай хизматга зарурат бўлса, массивларнинг ўзида яратилипти. Бу хусусда ҳаммасларимиз ҳам фикрнинг батафсил айтди. Демократизм, “Янги Ўзбекистон” массиви тимсолида инсонга эътибор, уни қадрлашнинг амалий ифодасини кўриш мумкин.

Ушбу массивларнинг ўзига хослиги лойиҳада кўп қаватли уйлар ёнига мактаб, богча, поликлиника, савдо нуқталари комплекс тартибда қурилганида. Шунга асосан, тумандаги янги массивда ҳам мактабгача таълим ташкилоти, мактаб ва поликлиника қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Бош режага кўра, туманимиздаги “Янги Ўзбекистон” массивида 1180 хонадонли 56 та кўп қаватли уй қуриш режа қилинган, — дейди Кармана тумани ҳокими ўринбосари Анвар Топташаров. — Шунингдек, 1 та 330 ўринли, 1 та 660 ўринли умумий ўрта таълим мактаби, 180 ўринли 2 та мактабгача таълим ташкилоти, маданий биноси, маданият уйи, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси, автомобиллар учун тураргоҳ, болалар ва спорт майдончалари, истироҳат боғи, умумий овқатланиш ҳамда бошқа кўнгилочар шохобчалар қурилиш кўзда тутилган. Янги массивда бинолар белгиланган

қандай ўзгариш ясаганини очиб беришга уриндик. Суҳбат чоғида мавзунинг кўлами кенглиги, бу борада айтиладиган фикрлар кўплигини сездик. Шу боис, энг муҳим деб ҳисоблаган фактлар асосидаги фикрларга кўпроқ эътибор бердик. Умид қиламизки, пойтахтдан олисда, оддий одамлар орасида юрган журналистлар нигоҳи ила мамлакат бўйлаб қўлоч ёзган янгиланишлар харитасини кўриш, тасаввур этиш йўлидаги навбатдаги суҳбатимиз сиз, азиз ўқувчиларга манзур бўлади.

Тахрират



Янгиланишлар харитаси

стандартлар асосида, шахарсозлик нормаларига амал қилинган ҳолда мустаҳкам ва сифатли қилиб қурилиши тегишли ташкилотлар назоратида олинган. 2022-2025 йиллар давомида қурилиш якунланган кўп қаватли уйлар ва бинолар иситиш тизимига уланган, газ, сув, электр билан таъминланган ва янги хонадонлар аҳолига замонавий дизайнда, тўла-тўқис таъмирланган ҳолатда топширилди.

Қизилтепа туманининг Малиқобод маҳалласида ҳам “Янги Ўзбекистон” массиви бунёд этилган. Унда 52 та кўп қаватли уй, мактаб, богча, оилавий поликлиника, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектилари, истироҳат боғлари бўлади. Ичимлик сув, электр, табиий газ, иссиқлик ва канализация тармоқлари тортилиб, ички йўллар таъмирланяпти.

Қизилтепа тумани ҳокими ўринбосари Ҳасан Алиевнинг маълум қилишича, массив учун 20,1 гектар ер ажратилган. Лойиҳанинг 1-босқичида 200 хонадонли 8 та 5 қаватли уй қурилиб, фойдаланишга топширилган. Шунингдек, 180 ўринли умумий ўрта таълим мактаби, 50 қатновли тиббиёт муассасаси қурилди. Бу ишлар қисқа вақт — 2022-2024 йиллар давомида бажарилди. Айни вақтда 2-босқич ишлари давом этмоқда. Унинг доирасида 252 та хонадонли 7 та 9 қаватли уй қад ростлаяпти. Бош режага кўра, 1112 хонадонли 50 та кўп қаватли уй, мактаблар, маҳалла биноси, маданият уйи, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси, автотураргоҳ, болалар ва спорт майдончаси қурилади.

“Янги Ўзбекистон” массивлари олис ҳудудларга илгари шаҳарларимизда ҳам бўлмаган замонавий ҳаёт тарзини олиб кирди. Шахсан мен шу пайтгача Тошкентда ёки дунёнинг бошқа шаҳарларида ҳам барча имконият, хизматлар бир жойда жамланган ичсам, замонавий, барча талабларга жавоб берадиган шаҳарча бунёд этилганини эшитмаганман. Тўғри, бу борада изланиб муайян ўрнатилганларни топдим. Масалан, Сингапур каби ривожланган давлатларда шунга яқин лойиҳалар бор. Уларда хизмат кўрсатиш тизими бир жойда, ёпиқ бино ичида жойлашган. Массив ичида иш ўринлари яратилган бинолар эса фақат ётоқхона шаклида қурилган.

“Янги Ўзбекистон” массивлари том маънодаги шаҳарча. Унинг иш ўрни ҳам, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам, маданий ҳордиқ чикаришга сайилгоҳ ва чойхоналари ҳам бор. Хавфсизлик тизими, аҳолини қийнайидиган саволларга жавоб шу маҳалланинг ўзида жамланган.

Акбар РАҲМОНОВ:

— Тўғри айтдингиз, Ғолиб ака! Бугун олис ҳудудлар обод масканга айланыпти. Уч-тўрт ой олдин борган манзилга яна йўлингиз тушса, ўзгаришлардан ҳайратланасиз. Узоқ йиллар қаровсиз ётган жойлар қисқа фурсатда гўзал маскан бўлиб борапти.

Ушбу йирик лойиҳа аниқ ҳуқуқий асос, иқтисодий ечимлар билан амалга оширилмоқда. Хусусан, 2021 йил 9 декабрда давлатимиз раҳбари “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонини имзолаган эди. Мазкур ҳужжатга кўра, 2022 йилдан манзилли рўйхат асосида жойларда “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилиши бошланди.

Қашқадарёда дастлаб Косон ва Яккабоғ туманларида замонавий уйлар қурилишига киришилган эди. Белгиланган муддатда сифатли, талаб даражасида барпо этилган иморатлар бугун аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Яккабоғ тумани ҳокимлиги берган маълумотга кўра, “Янги Ўзбекистон” массиви учун ажратилган 18 гектар ерда жами 1340 хонадонли 54 та 5 қаватли уй қурилиб, фойдаланишга топширилган. Лойиҳа доирасида 36 хонадонли 15 та, 40 хонадонли 1 та, 20 хонадонли 38 та уй-жой барпо этилган. Шунингдек, бюджет маблағлари эвазига 15 миллиард сўмга 330 ўринли 1 та янги мактаб ҳамда 6,5 миллиард сўмга 120 ўринли 1 та мактабгача таълим ташкилоти ва 1,7 миллиард сўмга маҳалла биноси қурилган.

Бу битта ҳудуддаги зарур иншоотлар учун сарфланган маблаг. Энди қуйидаги фактларга эътибор қилинг. Икки йўлакли кўп қаватли



ўн бешта уйнинг 1-қаватидан тадбиркорлар учун 3750 квадрат метр жой ажратилган. Уларда тадбиркорларнинг 43 миллиард сўм маблағи ҳисобидан 45 дан ортиқ янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилган. Натижада 120 та янги иш ўрни яратилган.

Биз бундай рақамларни осонгина айтиб кетаверамиз. Аммо уларнинг ҳар бири ортда жуда катта меҳнат, ишонч, рағбат ва интилиш бор. Масалан, ҳозир дунёда геосиёсий ва геониктисодий жараён жуда мураккаб. Бундай вазиятда ҳар бир мамлакат ички имкониятидан келиб чиқиб, иқтисодий барқарорликни сақлаш чораларини кўради. Демократизм, битта массив учун мана шундай йирик миқдорда сармоя ажратиш осон эмас.

Тадбиркорлар янги биноларнинг биринчи қаватига миллиардлаб пулини сармоя қилиши ҳам бежиз эмас. Чунки шу маблаг ортиги билан қайтиб келишига ишонди. Негаки уйлар харидордир. Халқимиз уйларни тўлдириб яшай бошлаши ҳамон тадбиркорлар даромади кўпаяверади. Бир томонда эса ишбилармонларга катта имтиёз ва имкониятлар берилмоқда. Бу уларни ишини янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратишга рағбатлантирмоқда.

“Янги Ўзбекистон” массивларидаги уйлар нега харидордир? Сабаб оддий, у ерда барча шароит бор! Масалан, Яккабоғ туманидаги массивда 3,1 километр ичимлик сув тармоғи учун 2 та сув иншооти ҳамда 8,4 километр оқова сув тармоғи учун 1 та иншоот ва 6 километр ички йўл қурилган. Тагин 3,8 километр иссиқлик тармоғи тортилиб, қозонхона барпо этилган. Табиий газ учун 1,5 километр қувур тортилиб, 6 та тақсимлаш пункти, 50 кВт қуёш панеллари ва 140 минг литр сигимга эга 700 дона геликolleктор ўрнатилди. Бундай ишларни яна узоқ санаш мумкин.

Мана шу рақамларнинг ўзини бир жойда жамлаб қарасангиз, улкан бунёдкорликни ҳис этасиз. Замонавий шаҳар кўринишига келган бу манзил бир пайтлар қаровсиз майдон бўлганига ишонмайсиз. Яна бир гап. Мазкур массивда бошқа туман ва шаҳарлардагидан

фарқли ўлароқ, етакчи тадбиркор ташаббуси билан йирик лойиҳа асосида экотур ташкил этилган. Қиймати 6 миллион доллардан ортиқ бўлган ушбу мажмуа уч қаватдан иборат бўлиб, 80 та иш ўрни яратилган. Муҳим, бозорда озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам, кийим-кечаклар ҳам, дам олиш ва овқатланиш нуқталари ҳам бор.

Сарвар ТўРАЕВ:

— Сурхондарё вилоятининг Ангор, Бойсун, Жарқўрғон, Сариев ва Термиз туманларида “Янги Ўзбекистон” массивлари



бунёд этилган. Ушбу уйлардаги янги хонадон калитини қабул қилиб олаётган ҳар бир юртдошимиз инсон қадрини улуглаш йўлидаги ишхотлардан мамнун.

Юқорида ҳаммасларимиз тўғри айтди: массивлардаги кенглик, мухташамлик, ободлик ва саранжом-саришталикдан дилингиз айрайди. Ҳар бир бино-иншоотда халқимизга хос яратувчанлик ва бунёдкорлик салоҳияти тўлиқ намён бўлаётгандек гўё. Сариев, Бойсун, Жарқўрғон, Ангор ва Термиз



туманларидаги “Янги Ўзбекистон” массивларида қад ростлаётган 5 ва 9 қаватли уйлар икки ва уч хонадан иборат, замонавий ҳамда шинам. Бу бинолар 9 балли зилзилага чидамли қилиб қурилган.

Ҳар бир хонадонда алоҳида иссиқлик ва сув иситиш тизими ўрнатилган. Бу хона ҳароратини мустақил бошқариш, энергия сарфини 2 баробаргача қисқартириш имконини беради. “Янги Ўзбекистон” массивларини бунёд этиш борасидаги қарор ва фармонлар

қоғоздагина эмас, балки ҳаётда, қундалик турмуш тарзида аксини топаётгани инсонларда эртанги кунга ишонччи, юртга муҳаббат ва ишхотларга иштиёқни янада мустаҳкамлаяпти. Массивлардаги хонадонларда яратилган ҳар бир қулайлик, ҳар бир инновация ёндашуви халқнинг яшаш сифати ошишига, оилавий осойишталик ва ижтимоий барқарорликка хизмат қилмоқда.

“Янги Ўзбекистон” массиви ва унинг атрофидаги объектилар режасини тузишда истиқболда аҳоли ўсиши, ҳудуд инфратузилмаси ва ишлаб чиқариш кенгайиши каби жиҳатлар ҳам назарда тутилган. Бу жуда муҳим омил. Шу билан бирга, массивларга ёндош ҳудудларда фойдаланишдан чиққан ер майдонларини қайта ўзлаштириш ҳисобида иссиқхоналар қуриш, савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари бунёд этиш орқали янги иш ўринлари яратилмоқда.

Хусусан, Жарқўрғондаги “Янги Ўзбекистон” массивида ҳозирга қадар 7 та микромарказ, 29 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, массив ҳудудида 50 қатновли оилавий поликлиника, 180 ўринли болалар богчаси, 330 ўринга эга мактаб ва АТ марказ қурилган. Инфратузилма объектиларини қуриш ва обodonлаштириш шу билан яқин топгани йўқ. Массивга 1,9 километр ичимлик сув, 3,9 километр оқова сув, 2,3 километр иссиқлик тармоқлари, 2,8 километр газ қувури тортилди. 5 та трансформатор ўрнатилди. Пиёдалар йўлакларини қурилиб, 4,5 гектар ерга манзарали ва мевали дарахтлар ҳамда 300 гектар дашт ҳудудига саксовул экилди.

Жарқўрғон туманида қурилиши 2022 йилда бошланган “Янги Ўзбекистон” массивида шу йил охирига қадар жами 86 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилиши белгиланган.

Сурхон воҳасининг табиий-иқлим шароитидан келиб чиқиб, жойларда бунёд этилаётган массивларда яшил белбоғлар, бог яратилиш, уйлар атрофида турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш, уларни суғориш тизимига алоҳида эътибор берилаяпти.

“Янги Ўзбекистон” массиви бунёд этилапти. Бу ерда 2026 йил охиригача 5, 7, 9 қаватли, жами 2322 хонадонга эга 78 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилади. Аҳоли анча зич яшайдиган ҳудудлар учун бундай массивлар муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Уй-жойларнинг сифати ва таннархи ҳам халқнинг имкониятига мос экани эътиборга молик.

Ангор туманидаги Шарқ гули маҳалласида 11,2 гектарда 1005 хонадонли жами 43 та уй қурилиши режа қилинган. Бу ерда ҳам энергия тежамкор материаллар ишлатилипти, экоҳудудлар яратишга, электр, сув, газ ва йўл тармоқларини тортишдаги янги стандартларга жиддий эътибор берилган. Шу маънода, янги массивларни энергия тежамкорлик жиҳатдан ҳам намуна қилиб кўрсатиш мумкин.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ:

— Инсоннинг бахти, аввало, тинч ва осойишта, фаровон хонадондан бошланади. Шу боис, халқимиз уйни ватан ичидagi ватан дея қадрлайди. Юртнинг ободлиги эса дилин равшан қилади. Қорақалпоғистон Республикаси Қонлиқул туманидаги “Янги Ўзбекистон” массиви шундай эзгу мақсадлар маҳсулидир. Мазкур массивда истиқомат қилаётган Нигора Зойирова ҳаётини рози эканини бот-бот такрорлайди. Замонавий, барча қулайликларга эга хонадонда фарзандлари билан бахтли умр кечирмоқда.

— Янги уйга кўчиб келганимиздан буён ҳаётимиз бутунлай ўзгариш, — дейди Нигора Зойирова. — Хонадонимиз кенг ва ёруғ. Электр, табиий газ, ичимлик сув каби барча қулайликлар муҳайё. Атроф обод, кўчалар кенг ва равон. Фарзандларимиз хавфсиз муҳитда ўйнаб, таълим-тарбия олмақда. Бундай эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдор бўлмаслик мумкин эмас!

Қонлиқул туманига кириб келишингиз билан кўп қаватли уйлар кўзга ташланади. Илгари туманда бундай уйлар бўлмаган. Катта магистрал йўлининг бўйида иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмага эга 11 та 5 қаватли уй қад ростлаган. Қулай шароитларга эга уйларда 330 хонадон бор. Бу битта тумандаги ана шунча оиланинг қувончи, бахтли ҳаёт тарзининг бир кўриниши.

— Кўнгирот туманидан ушбу кўп қаватли уйларнинг бирига оиламиз билан кўчиб ўтдик. Иш жойим Қонлиқул туманида. Имтиёзли кредит ҳисобидан 3 хонали уйни 20 йилга сотиб олдик, — дейди “Янги Ўзбекистон” массивида истиқомат қилувчи Фуқрат Раҳимбердиев. — Ёш оилалар учун жуда қулай. Иссик ва совуқ сув бор. Қўшниллар ҳам ёш оилалар. Бир-биримиз билан кирди-чиқди қиламиз. Муҳими, мактаб, богча ёнимизда.

Қонлиқул тумани Наврўз маҳалласидаги “Янги Ўзбекистон” массивида 12 миллиард 830 миллион сўм эвазига 3 қаватли, 330 ўринга эга янги мактаб қурилган. У энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаган. Яшил қопламали стадион, спорт зали, ошхона, чиройли синфлар ушбу массивда истиқомат қилувчи аҳоли болаларига хизмат қилмоқда. Мактаб 2024-2025 ўқув йилида фойдаланишга топширилган. Шунингдек, мактабнинг ёнгинасида 7,7 миллиард сўмга қурилган, 180 ўринга мўлжалланган богча ҳам фаолият кўрсатмоқда. Янги массивларнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳудудда алоҳида таълим масканлари барпо этилаётгандир.

— Қонлиқул туманидаги 25-умумтаълим мактабига Ҳиндистондан келиб дарс ўқитамиз, — дейди хорижлик мутахассис Санини Аканша хоним. — Турмуш ўртоғим Амир Али билан “Янги Ўзбекистон” массивидаги кўп қаватли уйларнинг бирида яшаймиз. Хоналари тоза, барча қулайликлар мавжуд. Ассосий, мактабнинг ёнгинасида.

Массив ёнида йирик корхоналардан бири — “Kanteks invest” масъулияти чекланган жамияти жойлашган. Ип-калава ишлаб чиқарувчи ушбу корхона 2019 йил ишга туширилган бўлиб, йилига 9 минг тонна маҳсулот тайёрлайди. Корхонада 600 га яқин маҳаллий аҳоли иш билан таъминланган. Германия, Туркия ва Ҳиндистондан олиб келинган асбоб-ускуналар ўрнатилган корхона тўлиқ қувватда ишламоқда. Жамонинг аксариятини ёшлар ташкил этади.

Қонлиқул тумани илгари ижтимоий-иқтисодий ҳолати оғир туманлардан бири эди. Ўзбекистондаги янгиланишлар сабаб у бугун бутунлай ўзгариш. Корхоналар иш бошлаб, туманининг тадбиркорлар синфи шаклланиб борапти. Бу иқтисодийёт билан бирга ижтимоий муҳит ҳам яхшиланишига хизмат қилмоқда. Бир пайтлар Қонлиқулда туғилган ёшлар шаҳарларга кўчиб кетиш орзусида яшарди. Энди улар ўз уйи олдидagi мактабда хорижлик мутахассислардан дарс олмақда. “Янги Ўзбекистон” массивлари каби йирик лойиҳалар эса ана шу янгиланишлар руҳига янада кўтаринкилик бағишламоқда.

Суҳбатни “Янги Ўзбекистон” мухбири Боборавшан ҒОЗИДИНОВ уюштирди.

4 Бугун туризмга киритилаётган инвестиция фақат меҳмонхона ёки туристик объект барпо этиш билан чекланмайди. У транспорт, қурилиш, хизмат кўрсатиш, савдо, умумий овқатланиш ва бошқа кўплаб тармоқларда иқтисодий фаолликни кучайтиради.



Сув ва ҳаёт

Бир хонадондан бошланадиган улкан ўзгариш

Сув ҳақида одатда у қамайганда ўйлаймиз. Жўмракдан сув оқаётганида эса қадрини етарлича ҳис қилмаймиз. Аслида, ҳар куни беҳуда оқаётган бир неча литр сув бир ойда юзлаб, бир йилда эса минглаб литрга айланади. Бугун биз учун оддий туюлаётган обихаёт масаласи эртага бутун жамиятнинг энг катта муаммоларидан бирига айланиши мумкин. Шунинг учун сув тежашни тугатгандан кейин эмас, ҳозирдан бошлаш лозим.



Мухсиддин НИЗОМИДДИНОВ,
Халқ депутатлари Тошкент вилояти
кенгаши депутати

Паркент туманидаги хонадонлардан бирида айнан шу гоа асосида кичик, аммо амалий тажрибани бошладик. Мақсадимиз оддий — томдан тарнов орқали оқиб тушаётган ёмғир сувини шунчаки канализацияга ёки кўчага оқизиб юбормай, йиғиш, сақлаш ва ичимлик сув талаб қилмайдиган эҳтиёж учун қайта фойдаланиш эди. Тажриба оддий, аммо натижалари бу масалага бошқача қараш кераклигини кўрсатди. Хонадон томининг сатҳи тахминан 200 квадрат метр. Унинг тўртта бурчагида ёмғир сувини чиқарувчи тарновлар мавжуд. Ҳозирча улардан фақат биттаси йиғиш тизимига уланди. Апрельда ёмғир ёққанида бир кунда фақат шу битта тарновдан тахминан 2 тонна, яъни 2000 литр сув йиғилди.

Тасаввур қилинг: аввал кўчага оқиб кетадиган сувнинг ўзи биргина ёмғирда 2 тонна-ли захирага айланди. Бу натижа бизни яна бир савол хусусида ўйлашга мажбур қилди: агар битта бурчадан 2 тонна сув йиғилаётган бўлса, томининг тўрт бурчагини ягона тизимга бирлаштирсак, қанча сувни сақлаб қолишимиз мумкин? Шу тўғрисида лойиҳа-мизнинг кейинги босқичида томининг тўрт бурчагидан тушадиган сувни битта — марказий йиғиш нуқтасига олиб келишни режалаштирдик.

Бу шунчаки сув йиғиш эмас, балки хонадоннинг ўзида кичик сув захирасини яратиш деганидир. Ичимлик сувни техник эҳтиёжларга сарфлаш зарур. Истеъ-

мол қилиб бўлмайди. Чунки бундай сувни ичимлик мақсадида ишлатиш учун тегишли тозалаш, дезинфекция ва санитария талаблари бажарилиши керак. Аммо кундалик ҳаётимизда сув талаб қиладиган жуда кўп бошқа эҳтиёжлар бор. Масалан, кир, юз-қўл ва автомобиль ювиш, ҳовлига сув сепиш, экин ва томорқани сугориш, чорвани сугориш, қуёш панелларини тозалашда фойдаланиш мумкин. Демак, бир томондан ичимлик сувни асраёلمиз. Иккинчи томондан эса ёмғир сувини фойдали ресурсга айлантиряймиз.

Лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати, йиғилган сувни керакли жойларга етказиш учун насосдан фойдаланилмоқда. У эса қуёш панеллари ишлаб чиқарадиган электр энергиясини ёрдамида ишлайди. Яъни бир тизимда икки табиий ресурсдан фойдаланилади. Натижада хонадоннинг сув ва энергия тежамкорлиги ахлит тизимга бирлаштирилади.

Бу қанчалик фойдали?

Кўпинча янги гоғлар ҳақида гапирганда “Бу қанчалик фойдали?” деган савол туғилади. Тажрибамизда бунга аниқ рақамлар билан жавоб бериш мумкин.

Тизим ўрнатилишидан аввал хонадонда ичимлик сувга ойига тахминан 150 минг сўм тўланарди. Тизим ўрнатилгандан сўнг бу маблағ 56 минг сўмгача қамайди. Демак, бир ойда 94 минг сўм тежалмоқда. Бир йил ҳисобиде эса тахминан 1 миллион 128 минг сўмни иқтисод имконияти пайдо бўлди.

Бундан ташқари, сугориш, автомобиль ювиш, ҳовлига сув сепиш, қуёш панелларини тозалаш каби эҳтиёжларда ишлатилаётган сувнинг қиймати бу ҳисобга тўлиқ киритилмаган. Шунинг учун лойиҳанинг реал иқтисодий самараси фақат сув тўловидаги қамайишдан ҳам каттароқ.

Лойиҳага сарфланган маблағ

Тизимни йўлга қўйиш учун тахминан 3 миллион 700 минг сўм сарфланди. Икки дона 1 тонналик бочка — 1 миллион сўм, насос — 1 миллион 200 минг сўм, қуворлар ва томчилатиб сугориш учун зарур жиҳозлар — 1 миллион сўм, филтър — 200 минг сўм, иш ҳақи — 300 минг сўм.

“ Хонадон томининг сатҳи тахминан 200 квадрат метр. Унинг тўртта бурчагида ёмғир сувини чиқарувчи тарновлар мавжуд. Ҳозирча улардан фақат биттаси йиғиш тизимига уланди. Апрельда ёмғир ёққанида бир кунда фақат шу битта тарновдан тахминан 2 тонна, яъни 2000 литр сув йиғилди.

БЕПУЛ СУВ МАНБАИ



Бу маблағни фақат дастлабки харажат сифатида тушунамслик керак. Чунки қурилма йиллар давомида ишлаши ва сув харажатларини қамайтириши мумкин. Фақат ичимлик сувга тўловнинг қамайиши ҳисобига дастлабки харажатнинг қоплиниш мuddати тахминан 3 йил атрофида бўлиши мумкин. Бошқа хўжалик эҳтиёжларидаги тежамкорлик ҳам ҳисобга олинса, лойиҳа янада манфаатли бўлади.

Энди масалага битта хонадон эмас, бутун Ўзбекистон нуқтаи назаридан қарайлик.



www.yuz.uz



yuz.uznews



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДИН СКАНЕР
ҚИЛИНГ!

yuz.uz_news



yuz.uz_news

никада унинг имконияти янада юқори бўлади. Мактаб тоmidан йиғилган ёмғир сувини ичимлик учун эмас, балки ҳовли, яшил ҳудудлар ва техник эҳтиёжлар учун ишлатиш мумкин. Боғчаларда ҳам шу тамойилни қўллаш мумкин. Поликлиника ва бошқа ижтимоий объектларда эса сув сарфининг муайян қисмини ёмғир сувига ўтказиш орқали техник мақсадда ишлатиладиган ичимлик сувга талабни қамайитириш мумкин. Шу тўғрисида ушбу ташаббусни фақат хонадонлар учун эмас, ижтимоий объектлар учун ҳам алоҳида пилот лойиҳа сифатида синаб кўриш зарур.

Лойиҳанинг биз учун энг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, иш фақат қурилмани ўрнатиш билан тўхтаб қолмапти. Амалий тажриба билан бир вақтда қонунчилик бўйича ҳам иш олиб борилмоқда. Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасидаги депутатлар билан бирга ёмғир сувини йиғиш, ундан самарали фойдаланиш ва сувни тежаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қонунчиликка тақлифлар тайёрлаш ишлари бажарилмоқда. Бу жуда муҳим босқич. Чунки битта хонадон ўз ташаббуси билан тизим ўрнатиши мумкин. Аммо бундай амалиётни минглаб ва миллионлаб хонадонларга етказиш учун ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий механизмлар зарур.

Шу боис, биз ўз тажрибамизни қонунчилик тақлифлари билан боғлашга ҳаракат қиляпмиз. Лойиҳанинг гоғсини ривожлантириш, тизимли шаклга келтириш, тақлифларни таҳлил қилиш ва келгусидаги йўналишларни белгилаш жуда муҳим.

Мақсад қонун ёзишнинг ўзи эмас

Бу ерда асосий мақсад янги талабларни шунчаки қонун қилиш эмас. Аввало, саволга жавоб топиш керак. Қандай қилиб аҳоли учун қўлай, арзон ва самарали ёмғир сувини йиғиш тизимини яратамиз? Бунинг учун пилот лойиҳалар керак. Масалан, дастлаб айрим маҳаллаларда хонадонлар танланади. Уларнинг томи майдони, йил давомида йиғилган сув миқдори, сув сарфи, иқтисодий тежамкорлиги ва қурилманинг хизмат кўрсатиш харажати ўрганилади. Кейин натижалар таққосланади. Шундан сўнг энг самарали моделни бошқа ҳудудларга жорий этиш мумкин.

Лойиҳанинг яна бир йўналиши инновация. Ушбу лойиҳа бўйича патент олганмиз. Энди бу тажрибани янада такомиллаштириб, аҳолига қўлайроқ, ихчамроқ ва самаралироқ янги фойдалан қурилма яратиш ҳамда унга белгиланган тартибда патент олиш харақатидамиз. Мақсад фақат патент ҳужжатида эга бўлиш эмас, балки одамлар реал ҳаётда фойдаланадиган қурилма яратиш. У оддий, нархи имкон қадар арзон бўлиши керак. Ўрнатиш осон, техник хизмат кўрсатиш эса қўлай бўлиши лозим.

Бугун Паркентдаги бир хонадонда бу тизим ишламоқда. Бир ёмғирда 2 тонна сув. Бир ойда 94 минг сўм тежамкорлик. Бир йилда 1 миллион 128 минг сўм. Лекин бу рақамларнинг энг катта қиймати пулда эмас, балки шундай тажриба мавжудлигида. Биз “буни қилиш мумкинми?” деган саволга энди назарий эмас, амалий жавоб бера оламиз. Ҳа, мумкин. Ёмғир сувини йиғиш, сақлаш, техник эҳтиёжларга йўналтириш ва ҳатто насос орқали керакли жойга етказиш мумкин.

Энди навбатдаги савол: буни қандай қилиб минглаб хонадонларга етказамиз? Бугуннинг энг муҳим вазифаси ҳам шу. Чунки сув масаласи эртанги куннинг муаммоси эмас. У бугуннинг муаммоси. Бугун ёмғир ёғаётган пайтда биз сувни оқизиб юбурсак, эртага қурғоқчилик келганда уни излашимиз тайин. Шу боис, эртага сувни қидирмаслик учун бугун ёмғирни йиғайлик.

бирга меҳмонхонада яшайди, ресторан ва кафеларда овқатланади. Транспорт хизматларидан фойдаланади. Мадаъни тадбирларда иштирок этади. Маҳаллий маҳсулот ва сувенирлар харид қилади. Шу жиҳатдан туризм хизматлари экспортининг ўсиши кўплаб соҳаларда яратилган қўшилган қийматнинг орттишига олиб келади.

Шунинг учун бугун туризм соҳасидаги натижаларни бир-биридан алоҳида кўрсаткичлар сифатида эмас, балки ягона иқтисодий занжир сифатида баҳолаш муҳим. Кўпроқ авиақатновлар — кўпроқ туристлар, кўпроқ туристлар — янги инфратузилмага талаб, янги инфратузилма — инвестициялар учун имконият, инвестициялар эса ҳудудларда янги хизматлар ва иш ўринларини очиш учун замин ҳозирлайди.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида туризм ва инвестиция соҳаларидаги кенг қўламли ислохотлар ҳам айнан шу жараёнларни тизимли қўллаб-қувватлашга қаратилган. Ҳар бир ҳудудда алоҳида дастурларнинг қабул қилиниши, туризм ҳудудларининг ривожлантирилиши, инфратузилма янгиланиши ва инвестиция учун шароитларнинг кенгайтирилиши соҳанинг янги босқичга кўтарилишига хизмат қилмоқда.

Энди асосий вазифа эришилган миқдорий ўсишни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишдир. Бунинг учун янги туристик тақлифларни ривожлантириш, хизматлар сифатини ошириш, ҳудудларда замонавий инфратузилмани янада кенгайтириш, халқаро авиақатновлар географиясини бойитиш ва инвестиция лойиҳаларини кўпайтириш муҳим.

Зеро, бугун туризмга киритилаётган инвестиция фақат меҳмонхона ёки туристик объект барпо этиш билан чекланмайди. У транспорт, қурилиш, хизмат кўрсатиш, савдо, умумий овқатланиш ва бошқа кўплаб тармоқларда иқтисодий фаолликни кучайтиради. Шу маънода, туризм Ўзбекистон иқтисодиётида тобора кўп тармоқларни бирлаштираётган, хизматлар экспортини ошираётган ва янги ўсиш нуқталарини шакллантираётган драйверга айланмоқда.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ МУҲИМ ДРАЙВЕРИ



Сайёҳлик

2026 йилнинг январь-август ойларида Ўзбекистонга 9,1 миллион хорижлик сайёҳ келган. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 21,2 фоизга кўп.

Мазкур рақамлар мамлакатда туризм соҳаси жадал суръатда ривожланиб, иқтисодиётдаги аҳамияти тобора ортиб бораётганини кўрсатади. Зеро, туризм салохиятининг ўсиши фақат сайёҳлар сони кўпайиши билан чекланмайди. У транспорт, жойлаштириш, умумий овқатланиш, савдо, мадаъни хизматлар ва бошқа кўплаб йўналишларда иқтисодий фаолликнинг ошишига, янги иш ўринлари ва инвестиция имкониятларининг пайдо бўлишига хизмат қилади.

Аслида, бугун туризмин фақат сайёҳларни қабул қилиш соҳаси сифатида баҳолаш етарли эмас. У мамлакат иқтисодиётида хорижий валюта тушумини кўпайтириш, хизматлар экспортини кенгайтириш ва ҳудудларнинг иқтисодий салохиятини ишга солишга хизмат қилаётган муҳим тармоқлардан бирига айланмоқда.

Бу жараёни хорижлик сайёҳлар оқими динамикаси ҳам яққол кўрсатади. Маълумотларга кўра, 2023 йили мамлакатимизга 6,6 миллион чет эллик сайёҳ келган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 10 миллиондан ошган. 2025 йил якунларига кўра эса Ўзбекистонга 11,7 миллион хорижлик сайёҳ келган.

Бир неча йил ичида сайёҳлик оқимининг бундай сезиларли ўсиши, аввало, халқаро транспорт алоқаларининг кенгайиши билан узвий боғлиқ. Жўмладан, 2026 йил январь-июль ойларида Ўзбекистон аэропортларида 64 минг 831 та рейс амалга оширилган. Шундан 47 минг 371 таси халқаро рейслар бўлиб, улар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 12 фоиз ошган. Халқаро рейслардан 6,7 миллион йўловчи фойдаланган. Бу кўрсаткич ҳам йиллик ҳисобда 15,4 фоиз кўпайган.

Бу ерда ўзаро боғлиқ муҳим жараён кузатилади: туристлар оқими кўпайгани сари янги авиақатновларга эҳтиёж пайдо бўлади. Авиақатновлар географиясининг кенгайиши эса, ўз навбатида, Ўзбекистонда янги мамлакатлардан туристлар келишини оsonлаштиради. Шу тариқа авиация ва туризм бир-бирини рағбатлантирувчи ягона иқтисодий тизим сифатида шаклланади.

2026 йили қатор халқаро янги йўналишларнинг очилиши ҳам ана шу жараённинг давоми бўлди. Жўмладан, “Etihad Airways” авиакомпаниясининг Абу-Дабби — Тошкент йўналишида тўғридан тўғри авиақатнови

йўлга қўйилди. Илк рейс 10 август кuni амалга оширилди.

Туристтик фаолликнинг ўсиши пойтахт билан чекланиб қолаётгани йўқ. Ҳудудий аэропортлардаги кўрсаткичлар ҳам ижобий динамика намоён этмоқда. Хусусан, Термизда йўловчи оқими 52, Урганчда 24, Нукусда эса 23 фоиз ошган.

Бу кўрсаткичлар ҳудудларнинг сайёҳлик салохиятини ишга солиш учун имкониятлар тобора кенгайиб бораётганини кўрсатади. Термиздаги тарихий-археологик мерос, Хоразмдаги қадимий шаҳарлар, Қорақалпоғистоннинг ўзига хос табиий ва мадаъни объектлари хорижлик сайёҳлар учун янги

туризм тақлифларини шакллантиришга асос бўлади.

Сайёҳлик оқимининг ортиши жойлаштириш воситалари инфратузилмаси ривожига ҳам ўз аксини топмоқда. 2026 йил январь-июль ойларида мамлакатимизда 22 минг 296 ўринли 705 та янги жойлаштириш воситаси барпо этилди. Натижада уларнинг умумий сони 7440 тага, жойлар сони эса 202,6 минг-тага етди.

Бундай ўсиш туризм соҳасида талаб ва тақлиф бир вақтнинг ўзида кенгайиб бораётганини аңглатади. Бир томондан, хорижлик сайёҳлар сони ортиб, янги хизматларга талабни шакллантирмоқда. Иккинчи

томондан, янги меҳмонхоналар, меҳмон уйлари ва бошқа жойлаштириш воситаларининг ташкил этилиши мамлакатнинг янада кўп сайёҳларни қабул қилиш имкониятини оширмоқда.

Соҳадаги энг муҳим иқтисодий натижа эса туризм хизматлари экспортининг ўсишида намоён бўлмоқда. 2026 йил январь-июль ойларида умумий ҳажми 3895,7 миллион АҚШ долларига етгани ва бир йилда 56 фоиз ошгани туризмнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни сезиларли кучайиб бораётганини кўрсатади.

Чет эллик сайёҳ юртимизга келганида туризм объектларини томоша қилиш билан



2026 йил 16 сентябрь, 191-сон



ТЕРАН ТАФАККУРНИНГ 64 НУҚТАСИ

Ўзбек шахматчилари Самарқанддаги олимпиадани АСОСИЙ ФАВОРИТЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА БОШЛАМОҚДА

Ченнайдаги халқаро шахмат олимпиадасида 14-рақам остида ҳаракат қилган Ўзбекистон терма жамоасининг бош совринни кўлга киритиши жаҳон шахматига кучлар нисбати ва динамикаси ўзгарганини кўрсатиб берган эди. Бу сафарги мусобақа эса мамлакатимиз мезбонлигида ўтказилаётгани сабабли миллий терма жамоамизга юкланган масъулият кўлами ҳам, унга талаб ҳам ўзгарган.

Тактик устушликка эга биринчи жамоамиз мусобақани 3-рақам остида бошлади. Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) тахлилчиларининг Ўзбекистонни асосий фаворитлар сирасига киритиши жамоанинг сўнгги йиллардаги барқарор натижалари ҳамда тайёргарлик даражаси билан боғлиқ. Самарқандда старт олган ушбу мусобақа жамоамиз учун Ченнайдаги ғалабанинг тасодифий эмаслигини амалда тасдиқлаш ва профессионал маҳоратни амалий синовдан ўтказиш босқичидир.

15 сентябрь куни Самарқандда 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси бошланди. Самарқанд халқаро туризм марказидаги “Боқий шахар” мажмуасида олимпиаданинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси бош вазири Абдулла Арипов иштирок этиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси иштирокчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

27 сентябрга қадар давом этадиган мазкур мусобақа тарихда илк бор Марказий Осиёда ўтказилмоқда. Мезбон сифатида Ўзбекистон бирварақайига учта эркаклар терма жамоасини — жами 15 шахматчини баҳсларга туширди. Асосий жамоа 3-рақам остида сараланди ва яна медалларга даъвогарлар қаторидан жой олди. Унинг таркибиде 2022 йилда Ченнай олимпиадасида олтин медални кўлга киритган тўрт шахматчи бор: Жавоҳир Синдоров, Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Ёқуббоев ва Шамсиддин Воҳидов. Иккинчи ва учинчи жамоалар сафиде эса ҳам тажрибали гроссмейстерлар, ҳам янги авлод вакиллари донга суради.

Хўш, нега Ўзбекистонда учта жамоа бор? Одатда ҳар бир миллий федерация олимпиадада битта жамоа билан қатнашади. Бироқ мезбонлар учун бу қонданан истисно кўзда тутилган. ФИДЕ қондаларига кўра, мусобақани ташкил этувчи федерация иккинчи — Б жамоасини қўйиш ҳуқуқига эга. Агар иштирокичи жамоаларнинг умумий сони тоқ бўлиб қолса, мезбонлар учинчи — С жамоасини ҳам қўйиши мумкин. Агар учинчи таркиб биринчи турдаёқ ўйнаган бўлса, кейинчалик қайсибир жамоалар мусобақадан чиқиб кетиши ёки қўйилишидан қатъи назар, у турнир охиригача қолади.

Самарқанд олимпиадасида Ўзбекистон барча уч таркиб билан намоён бўлди.

Биринчи терма жамоа саралашда 3-рақамни олди (жамоанинг ўртача рейтингини бўйича), Uzbekistan 2 — 31-ўринда, Uzbekistan 3 эса 55-ўринда қайд этилган.

Биринчи терма жамоанинг ўртача рейтингини — 2720. Сардор — Ўзбек шахматини афсонаси Рустам Қосимжонов.

— Кучли жамоалар жуда кўп: Польша, Германия, Сербия, Буюк Британия, Франция, — дейди Рустам Қосимжонов тайёргарлик жараёни, доскалар тақсими, рақиблар ва терма жамоанинг олтин медал олиш имкониятлари ҳақида тўхталиб. — Осиё жамоалари ичида одатдагидек Эрон жамоаси кучли. Туркиянинг таркиби ҳам жуда ёш ва имкониятлари юқори. Аънамага кўра, Озарбайжон — кучли жамоа. Олимпиадаларда одатда Арманистон ҳам жиддий рақиб ҳисобланади. Буларнинг барчаси кучли учлик-тўртликка кирмайдиган жамоалар. Аммо уларнинг бари нихоятда кучли. Бундан ташқари, асосий “огир вазнлилар” бор. Бу тўртлик — Хитой, АҚШ, Ҳиндистон ва Ўзбекистон. Аслида, турли одамлар уларни турлича тартибда баҳолашади. Олимпиада ҳеч ким учун осон бўлмади.

2022 йилги олимпиадада Ўзбекистонга тарихий олтинни келтирган бешликдан Жавоҳир Синдоров, Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Ёқуббоев ва Шамсиддин Воҳидов яна асосий таркибда бахшламоқда. Уша жамоанинг бешинчи аъзоси Жаҳонгир Воҳидов эндиликда Uzbekistan 2 таркибига киритилган, унинг асосий бешликдаги ўринни эса 19 ёшли Муҳиддин Мадаминов эгаллади. 2022 йилда Ўзбекистон барча 11 турни жамоавий мағлубиятсиз якунлаган эди. Икки йил ўтиб, деярли шу таркибдаги терма жамоа Будапешт олимпиадасининг бронза медалига сазовор бўлди. Ушанда Шамсиддин Воҳидов тўртинчи доскада кўшимча равишда ақаллик олтин медалини, Нодирбек Абдусатторов эса биринчи доскада кумуш медални кўлга киритганди.

Жамоанинг ушбу муваффақиятлари замирида ҳар бир доска соҳибининг ўзига ҳос ўйини, мукаммаллашиб бораётган тактикаси ва охириги йилларда эришган индивидуал натижалари ётади. Бу натижалар ва ўсиш суръатини ҳар бир шахматчи мисолида алоҳида кўриб чиқиш мумкин.



Жавоҳир СИНДОРОВ

ФИДЕ жаҳон кубоги финалида хитойлик Вей Ини мағлуб этиб, бош совринни кўлга киритди ва турнир тарихидаги энг ёш ғолиб бўлди. Ярим финалда эса у терма жамоадаги шериги Нодирбек Ёқуббоевдан устун келганди.

Жаҳон кубогидеги ғалаба уни 2026 йилги номзодлар турнирига олиб чиқди. У ерда Синдоров мусобақа тугашига бир тур қолгандаёқ 1-ўринни нақд қилди ва амалдаги жаҳон чемпиони Доммаражу Гуешига қарши жаҳон шахмат тожи учун ўйин ўтказиш ҳуқуқига эга бўлди. Сентябрь ойига келиб, Синдоров ўз рейтингини 2778 га етказди ва дунёнинг энг кучли шахматчилари орасида 4-ўринни эгаллаб турибди.

Олимпия олтинидан кейинги тўрт йил давомида Синдоров ёш терма жамоанинг навқирон истеъдодидан жаҳон чемпионлигига расмий даъвогар даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди. Тайёргарлиги, халқаро турнирлардаги иштироки ҳамда мураббийлар билан ишлаши унинг тактик хушёрлигини совуққон стратегик аниқлик билан тўлдиришга хизмат қилди. Ҳар бир партияда чуқур назарий тайёргарлигини психологик матонат билан бирлаштирган шахматчи энг ҳаяжонли ҳалзаларда ҳам ўйин тизгинини ўз қўлида ушлаб туришни ўрганди. Натижада шахсий характердаги бундай сифат ўзгариши уни оддий иқтидорли гроссмейстердан замонавий шахмат элитаси сафиде ҳар қандай чўққини забт этишга қодир етакчига айлантирди.

У гроссмейстерлик унвонини 2018 йилдаёқ — 12 ёшида кўлга киритиб, тарихдаги энг ёш гроссмейстерлардан бирига айланганди. Шунингдек, Синдоров 2019 ва 2021 йилларда икки қарра Ўзбекистон чемпиони бўлган. Асосий юксалиш 2025 йилда юз берди. Синдоров Гоада ўтказилган

Бироқ 13-старт рақамига эга Ўзбекистон биринчи аёллар терма жамоасининг ҳам муҳим ўринлар учун курашиш имконияти анча юқори. Жамоа сафидан Афруза Ҳамдамова, Гулрухбегим Тоҳиржонова, Умида Омонова, Нилуфархон Имомқўзиёева ва Гулдона Каримова жой олган.

Биринчи аёллар терма жамоасига мамлакатнинг энг таниқли шахматчиларидан бири, кўп йиллар давомида Ўзбекистон шарафини халқаро мусобақаларда ҳимоя қилган Нафиса Мўминова сардор ҳисобланади.

— Илгари бундай шароитлар бўлмаган, айни пайтда қизларда тўлақонли тайёргарлик бўлиш учун барча имкониятлар ва қўллаб-қувватлов мавжуд, — дейди Нафиса Мўминова. — Қизлар деярли етти йилдан бери шахматга диққатни қаратиш қолди, холос. Бундан ташқари, ташкилий ташвишларнинг барчаси уларнинг елкасидан олинди: турнирларга рўйхатдан ўттиш, чипталар харид қилиш, йўналишларни режалаштириш, ташилотчилар билан музокаралар ўтказиш ва меҳмонхона топиш каби ишлар билан махсус ҳамроҳлик гуруҳи шуғулланмоқда. Жамоа учун ўйнаганда масъулият анча юқори бўлади. Олимпиадаларда мен биринчи доскаларда ўйнаганим ва етакчи сифатида бунини доим жуда теран ҳис қилганман. Асосийси, ўз тахтангини мустаҳкам ушлаб туриш.

Унинг тарихидаги илк медалини кўлга киритган эди. Ушандан буюн жамоанинг ёш етакчилари янада кучайди, шу боис, улардан камда аввалги юқори натижани такрорлашни кутиш мумкин. Биринчи доскада Бибисара Асаубаева, кейинги доскаларда эса Алуа Нурман, Меруерт Камалиденова, Элназ Калнахон ва Зарина Нурғалиева баҳс олиб боради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Нодирбек АБДУСАТТОРОВ



2021 йилнинг декабрида 17 ёшли Абдусатторов рапид бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Турнир давомида у, жумладан, Магнус Карлсенни мағлуб этиб, биринчилик учун курашда эса Карлсен, Фабиано Каруана ва Ян Непомнящийни ортда қолдирди. Чемпион номи тай-брейкда аниқланди ва унда ҳамюртимиз Непомнящийдан устун келди.

Кейинги ёзда Абдусатторов Ченнайдаги олимпиадада ғалаба қозongan терма жамоанинг биринчи доскасида ўйнади. У 11 та партиядан 8,5 очко жамғариб, 2803 кўрсаткичдаги перформанс қайд этди ва биринчи досканинг шахсий ҳисобиде кумуш медалга эга чиқди.

2024 йилда Будапештда ўтган олимпиадада ҳам у терма жамоа етакчиси сифатида мусобақани бронза билан якунлашга ёрдам берди ва яна шахсий кумуш медални олди. 2026 йил февралда Абдусатторов дунёнинг энг нуфузли турнирларидан бири — Бейк-ан-Зеедаги Tata Steel Masters мусобақасида бош совринни кўлга киритди. Кейинроқ у London Chess Classic супертурнири ва Prague International Chess Festival да ғолиб чиқди.

Нодирбек ЁҚУББОВ



Ёши 24 да бўлишига қарамай, Ёқуббоев ҳозирги жамоанинг энг тажрибали вакилларида бири. У 2016, 2018 ва 2020 йилларда Ўзбекистон чемпиони бўлган, 2025 йилнинг апрелида эса тўртинчи бор мамлакат биринчилигида ғолиб чиқди. Сўнгги чемпионат финалида у Ортик Нигматовни таслим этганди.

2022 йилги олимпиадада Ёқуббоев иккинчи доскада донга суриб, 11 имкониятдан 8 очко тўплади

(перформанс рейтингини 2759). Жамоавий олтин билан бирга у ўз доскасида шахсий бронза медални ҳам кўлга киритди.

Шахсий турнирлардаги энг йирик натижаларидан бири 2025 йилги жаҳон кубогиде қайд этилди. Ёқуббоев ярим финалгача етиб бориб, Синдоров билан тўқнашди. Классик партиялар дуранг билан якунланди, тай-брейкда эса Синдоров устун келди. Учинчи ўрин учун баҳсда Ёқуббоев Андрей Есипенкога имкониятини бой бериб, якунда 206 иштирокичи орасида 4-ўринни эгаллади.

Яқинда Тошкентда Ёқуббоев Эрон терма жамоаси етакчиси, дунёнинг ТОП 15 талигига кирувчи Амин Табатабаний билан баҳсда ғалаба қозонди. Онлайн рейтингда эса у супер гроссмейстерлик мезони бўлмиш 2700 га яқинлашиб қолди.

“Айни кунларда Самарқанд ўзиде бутунжаҳон шахмати энергиясини жамлаб, глобал ақлидрок марказига айланмоқда. Аллақачон бу ерда ногиронлиги бўлган инсонлар ўртасидаги учинчи ФИДЕ олимпиадаси рекорд даражадаги 41 та жамоа иштирокида ўтказилмоқда.

Шамсиддин ВОҲИДОВ



Воҳидов катта саҳнада илк бор ўсмирлар шахматига порлаган: 2015 йилда у 14 ёшгача бўлганлар ўртасида жаҳон чемпионлигига эришди. Орадан уч йил ўтиб, Ўзбекистонлик 16 ёшли шахматчи рапид бўйича жаҳон чемпионатида Магнус Карлсенни доғда қолдирди.

2023 йилда у шахсий фаолиятидаги энг катта муваффақиятлардан бирига эришди: классик шахмат бўйича Осиё чемпиони бўлди. Олмаотадаги мусобақада Воҳидов 9 имкониятдан 7 очко жамғариб, энг яқин таъкибчиларини ярим очко ортда қолдирган ҳолда яққалашкадам бўлди. 2024 йилги олимпиада эса унинг фаолиятидаги энг ёрқин мусобақалардан бирига айланди. Воҳидов Ўзбекистонга жамоавий бронзани тақдим этиш билан бирга тўртинчи доскада шахсий олтин медални ҳам кўлга киритди.

Муҳиддин МАДАМИНОВ



Мадаминов — терма жамоа сафиде катталар олимпиадасида қатнашмаган ягона шахматчи. У 2024 йилда гроссмейстерлик унвонини олган бўлса, кейинги икки мавсум ичида 2600 лик довонга яқинлашиб келди. 2023 йилдаёқ 2431 рейтингга эга халқаро мастер бўлган Мадаминов Осиё чемпионатида 9 партиядан 6 очко жамғариб, 8-ўринни эгаллаган эди.

Энг улкан муваффақиятига у 2026 йил ёзида эришди. Мадаминов UzChess Cup Masters мусобақасининг энг кучли гуруҳида зафар қучди. Тўққиз турдан сўнг у Воҳидов билан 1-ўринни бўлишиб олди, сўнгра тай-брейкдаги ҳар иккала партияда ҳам ғалаба қозонди. Турнирда Нодирбек Абдусатторов, Аржун Эригайси, Ян Непомнящий, Шахриёр Мамедяров ва бошқа машҳур гроссмейстерлар ҳам баҳс олиб борган эди. ФИДЕ бу ғалабани Мадаминов фаолиятидаги энг катта ютуқ деб атади.

Шунингдек, у жаҳон кубоги ва номзодлар турнирида Жавоҳир Синдоровнинг секунданти (гроссмейстернинг тайёргарлуви ёрдамчиси ва тахлилчиси) сифатида ҳам ишлаган. Шу тариқа катталар олимпиадаси тажрибаси нуқтан назаридан энг ёш ва энг кам тажрибага эга бўлган жамоа аъзоси Самарқанддаги баҳсларга ўз фаолиятидаги энг юқори спорт натижаси билан кириб келмоқда.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайдиган. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақлалади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРК” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълолар бўлими: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-946.
29323 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРК” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Санжар Эшмуродов
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилнинг:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 23:55 Топирилди — 00:05